

МЕХР НУРИ ЁҒАР ДОИМ ЮЗИНГИЗДАН УСТОЗЛАР!

Ҳар биримиз исталган соҳада меҳнат қилмайлик, албатта устоз ва мураббийларга эҳтиёж сезамиз. Аввалига мактабгача таълим муассасаси, кейин мактаб, навбати билан олий ўқув юртида устозлардан сабоқ оламиз.

Янги ҳаёт остонасида илк қадамларини ташлашга чўчиб турган жажжи болакайга волиданинг меҳри, эътибори қанчалик зарур бўлса, дунё иморатлари ичидаги энг улуғ макон ҳисобланган - мактабда қўлига эндиғина қалам ушлаб “Она” сўзини ёзишга чоғланаётган ўқувчига ҳам ўқитувчининг қўумаги шунчалик зарур.

1-октябрь – “Ўқитувчи ва мураббийлар куни” байрами ҳар йили бутун мамлакатимиз бўйлаб кенг тантана тарзида нишонланиши анъанага айланган. Бу байрам, аввало, ўзининг билим ва тажрибаси, истеъдод ва маҳорати, инсоний фазилатларини, кўз нури ва қалб қўри, бутун борлиғини аямасдан, беминнат хизмат қиласиган устоз ва мураббийларимизга нисбатан халқимизнинг азалий ҳурмат-эҳтиромининг яққол намунасидир.

Аём муносабати билан шаҳримиздаги Маданият маркази юз-кўзлари илму маърифат нурлари билан суғорилган устоз ва мураббийлар билан тўлди.

Байрам тарзида ташкил этилган концерт дастури аввалида дунёдек бепоён бағри қучоқ-қучоқ гуллар билан безангандан азиз муаллимларни шаҳар ҳокими Адҳамжон Зиявитдинов самимий муборакбод этар экан, эртанги кунимиз эгалари бўлган баркамол авлодни халқимиз, юртимиз корига ярайдиган, мамлакатимиз тараққиётига ўзининг муносиб ҳиссасини қўша оладиган даражада илму ҳунарли этиб тарбиялашда кўрсатаётган самарали меҳнатлари учун устозларимизга бутун ҳамشاҳарларимиз номидан ўзининг чуқур миннатдорчилигини изҳор этиб ўтди ҳамда шаҳар ҳокимлигининг фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирлади.

Байрам тадбири давомида вилоят ҳокими маслаҳатчиси Соҳибжамол Тонготарова сўз олиб барча қадрли устозларни айём билан муборакбод этди.

Байрам дастури соҳирнафас санъаткорларнинг дилрабо куй-қўшиқларию устоз-мураббийларнинг дилбар хиромлари билан янада ўзгача тус олди. Айниқса беғубор болажонларнинг бирион тилида “Мехр нури ёғар доим юзингиздан устозлар”, дея янграган шеър шукуҳи йиғилганлар кўнглига кўчди.

Минг-минглаб мурғак қалбларга эзгулик ёғудусини сочадиган мўътабар зот - ўқитувчи ва мураббийларимизга бугунги касб байрамингиз муборак бўлсин, деймиз!

2021-09-29 18:09:21